

ذوالحجة

ИЛМ АҚЛ ЧИРОҒИ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Мухтарам жамоат! Маълумки, Ислом дини инсонларни илм олишга тарғиб қилувчи диндир. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилинган дастлабки оятларда илм олишга ундаш маъноси борлигининг ўзи ҳам Ислом илму маърифат дини эканлигининг ёрқин далилидир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда иймон келтирган илм эгаларининг мартабаларини юксак даражаларга кўтаришини баён қилган.

Илм эса амални, амал эса ихлосни ёрдамга чақиради. Агар ёрдамга келмаса илм у кишидан қочади. (“Адабуд-дунё вад-дин” китобидан) Яхши тушунмоқ керакки! Ҳар бир иш мукаммал, мустаҳкам бўлиши учун илм, амал ва ихлос бирлашиши шарт. Фаридиддин Аттор илоҳиятда аввал ихлос кейин илм туради дейдилар. Яъни: ихлоси бўлмаган кишига минг бор илм борасида сўзланса ҳам у одамда зарра миқдорда фазилат, даража, юксак бир мақом белгиси кўринмайди. Шу сабабдан ҳар бир амал ихлос ила бажарилса кундан – кун у ислом немати билан яшай бошлайди. Дунёда илмдан кўра юксак даража ва мартаба йўқдир. Шу сабабли юртимиздан чиққан ва бошқа юртдаги барча олимлар ўзларини фойдаси кенг, даражаси зиёда амалга фидо қилишган.

Пайғамбаримиз ﷺ айтадилар: “Бир соат тафаккур қилиш инсон ва жинларнинг ибодатидан яхшироқдир”. Шайх Худойдод Вали шу ҳадисга ишорат қилиб айтадилар: “Менинг наздимда бир марди ҳақ олимнинг олдида бир соат ўтириш 50.000 минг йиллик зикр ва фикр қилишдан яхшироқдир, деганлар. Жалолиддин Румий айтадилар: “Қанча-қанча йиллар керак бир марди ҳақ олим бўлиш учун ва қанча-қанча асрлар керак бир марди ҳақ валий бўлиш учун”.

عَنِ الْحُسَيْنِ أَنَّ أَبَا الدَّرْدَاءِ قَالَ: "كُنْ عَالِمًا أَوْ مُتَعَلِّمًا أَوْ مُجِبًّا أَوْ مُتَبَّعًا وَلَا تَكُنِ الْخَامِسَ فَتَهْلِكَ"

(السُّنَنُ الْكُبْرَى لِلْبَيْهَقِيِّ).

яъни: Ҳасан Басрий ғ дан ривоят қилинади, Абу Дардо رضي الله عنه айтадилар: “Авалло, олим бўл! Лоақал, таълим олувчи ёки уларни севувчи ёхуд уларга эргашувчи бўлгин. Аммо бешинчи одам (мазкур тўрт хислатдан ташқаридаги) бўлмагинки, ҳалок бўлурсан” (Имом Байҳақий “Сунани Кубро” китобида келтирган). Жалолиддин Румий дунёда ҳамма нарса сувга тўяди. Балиқ сув ичида юрса ҳам сувга тўймайди. Буни илмга қиёс қилиб айтадиларки: “Тўё сизлар илм олишда балиққа ўхшанглар, балиқ сувга тўймагани каби сизлар ҳам илм ичида юриб илмга тўйманглар”, – деганлар. Абу Муъин ан-Насафий ғ “Мадорикут-танзил” тафсирларида бир муборак ҳадиси шарифни келтиради. Буни сизларга ҳам

маълумот сифатида келтирмакчимиз. Пайғамбар صلی اللہ علیہ وسلم айтадилар: “Бир толиби илм бир қабристоннинг ёнидан ўтса унинг шарофати билан 40 кун қабрда азоб тўхтайдиган”, деганлар. Абдуллоҳ ибн Аббос رضی اللہ عنہ айтадилар: “Олим билан обид ўртасидаги фарқ, даража 700 баробардир. Ҳар бир даражанинг ораси 500 йиллик йўлдир. Ҳар бир даража ораси Осмон билан Ерчадир”.

Беш нарса кўзга нур беради: Қуръони каримни ўқиш, олимларга қараш, ота-онага қараш, одил падшоҳга қараш ва чиройли манзарали жойларга қараш. Пайғамбар صلی اللہ علیہ وسلم айтадилар: “Олимларга бир марта қарашлик менинг масжидимда бир йил эътикофда ўтириши билан тенгдир”. Яна Пайғамбар صلی اللہ علیہ وسلم айтадилар: “Ким бир олимни ҳурмат қилса, гўё мени ҳурмат қилгандек бўлибди. Кимки бир олимни хорласа, гўё мени хорлагандек бўлибди”. Аллоҳ таолдо илмни қиёматгача бандалар учун маърифатга эришиш, ҳақиқатни топиш, икки дунё саодатига эришиш воситаси қилди. Илмсизлик, эса инсониятни тубанликка, ҳалокатга олиб боришини билдирди. Инсонларни илм олишга ва бу орқали Парвардигорларини танишга буюрди. Аллоҳ таоло марҳамат қиладики:

فَاعْلَمْ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَاسْتَغْفِرْ لِذَنبِكَ وَلِلْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ وَاللَّهُ يَعْلَمُ مُتَقَلَّبَكُمْ وَمَثْوَاكُمْ ﴿٢٨﴾
(سورة محمد/28).

яъни: “Бас, (эй, Муҳаммад!) Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ эканини билинг ва ўз гуноҳингиз учун ҳамда мўмин ва мўминалар(нинг гуноҳлари) учун мағфират сўранг! Аллоҳ сизларнинг (бу дунёдаги) кезадиган жойларингизни ҳам, (охиратда) борадиган жойларингизни ҳам билур”. (Муҳаммад сураси, 28-оят).

“Илм” сўзи Қуръони каримнинг саккиз юз ўн бир жойида турли маъноларда келган. Қуръон ва суннатда илм инсониятни турли ахлоқсизликлар, ҳаром-харишлар, ёмон йўл ва амаллардан қайтариши зикр этилган. Аллоҳ таоло айтади:

يَرْفَعِ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا مِنْكُمْ وَالَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ دَرَجَاتٍ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿١١﴾
(سورة المجادلة/11).

яъни: “Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур. Аллоҳ қилаётган (барча яхши ва ёмон) амалларингиздан хабардордир”. Бошқа оятда:

قُلْ هَلْ يَسْتَوِي الَّذِينَ يَعْلَمُونَ وَالَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٩﴾ (سورة الزمر/9).

яъни: “Айтинг: “Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?”. (Зумар сураси, 9-оят).

Ушбу оятлардан ҳам кўриниб турибдики, илмли кишиларнинг мартабаси Аллоҳ таолонинг назарида юксакдир. Пайғамбар алайҳиссаломдан ривоят қилинган кўплаб ҳадиси шарифлар ҳам илмга, ўрганишга даъват билан йўғрилган, Жумладан, бир ҳадисларида:

أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: "الْعُلَمَاءُ وَرَثَةُ الْأَنْبِيَاءِ فَإِنَّ الْأَنْبِيَاءَ لَمْ يُورَثُوا دِينَارًا وَلَا دِرْهَمًا فَإِنَّمَا وَرَثُوا الْعِلْمَ"

(رَوَاهُ الْإِمَامُ أَبُو دَاوُدَ وَ الْإِمَامُ التِّرْمِذِيُّ).

яъни: Пайғамбар صلی اللہ علیہ وسلم: “Олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир. Пайғамбарлар динор ёки дирҳам мерос қолдирмаганлар, балки, илми мерос қилиб қолдирганлар”, – деганлар (Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти). Бошқа бир ҳадисда Расулulloҳ صلی اللہ علیہ وسلم:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "مَنْ يُرِدِ اللَّهُ بِهِ خَيْرًا يُفَقِّهْهُ فِي الدِّينِ وَيُلْهِمَهُ رُشْدَهُ" (مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ).

яъни: “Аллоҳ кимга яхшиликни ирода қилса, уни динда фақиҳ (теран англовчи) қилиб қўяди ва унга тўғри йўл кўрсатади” (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти). Қуйидаги ҳадислар ҳам илм талаб қилишнинг фазилатига далолат қилади: “Олимнинг обиддан афзаллиги менинг қуйи даражадаги саҳобийдан афзаллигим кабидир” (Имом Термизий ривояти), “Ким илм талаб қилиши йўлини тутса, Аллоҳ таоло уни жаннат йўлига йўллаб қўяди” (Имом Муслим ривояти), “Фаришталар илм толибининг қилган ишидан мамнун бўлиб, унга қанотларини ёзишади” (Имом Аҳмад, Ҳоким, Ибн Ҳиббон ривояти).

Мухтарам жамоат! Маълумки, янги ўқув йили ҳам бошлаб юборилди, ўқувчи ва талабалар илм олиш мақсадида мактаб ва олийгоҳларга бормокдалар. Албатта, ёшларнинг келажакда бирор касб ва ҳунар эгаси бўлишлари биринчи навбатда ўзларининг, қолаверса, ота-оналарининг ҳам орзу умидларидир. Аммо, ана шу орзу умидлар ўз-ўзидан рўёбга чиқиб қолмаслигини барчамиз яхши биламиз. Бунинг учун талаба ва ўқувчилар илм йўлида уйқудан, баъзи бир кўнгил хушликлардан кечмоқларига тўғри келади. Зеро, илм талаб қилиш ва унинг йўлида чекилган заҳмат туфайли жузъий саҳв ва хатоларнинг кечирилиши Расулulloҳ صلی اللہ علیہ وسلم нинг:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "إِنَّ طَالِبَ الْعِلْمِ لَيَسْتَغْفِرُ لَهُ مَنْ فِي السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ حَتَّى

الْحَيَاتَانِ فِي الْمَاءِ" (رَوَاهُ الْإِمَامُ التِّرْمِذِيُّ).

яъни: “Осмону ердаги ҳамма нарсалар, ҳатто дарёдаги балиқлар ҳам толиби илмининг гуноҳлари мағфират қилинишини сўрайдилар”, – деган ҳадисларида ўз ифодасини топгандир (Имом Термизий ривояти).

Айрим кишилар эса илм деганда фақат диний илмларни назарда тутиб, муслмончиликда дунёвий фанларнинг ўрни йўқ, деган нотўғри эътиқодда бўладилар. Аслида эса, диний илмлар ҳам, дунёвий илмлар ҳам Аллоҳнинг илми бўлиб, уларни бир биридан ажратиш мумкин эмас. Ҳазрати Одам дунёвий илм туфайли фазилатга эга бўлиб, фаришталарнинг таъзимига сазовор бўлдилар.

Дунёвий илм одамга ҳурмат ва фазилат келтирар экан, Расулulloҳ صلی اللہ علیہ وسلم ўз ҳадисларида марҳамат қилиб:

أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: "أُطْلَبُوا الْعِلْمَ وَ لَوْ بِالصَّيْنِ فَإِنَّ طَلَبَ الْعِلْمِ فَرِيضَةٌ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ"

رَوَاهُ الْإِمَامُ ابْنُ عَدِيٍّ وَ الْإِمَامُ الْبَيْهَقِيُّ).

яъни: “Илм Чин-Мочин (Хитой)да бўлса ҳам, уни излаб топиб, эгаллангиз. Зеро, илмни талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарздир”, – деганлар (Имом Ибн Адий ва Имом Байҳақий ривоятлари). Бундан ҳам диний, ҳам дунёвий илмларни талаб қилиш фарзлиги маълум бўлади.

Яна шуни қайд этиб ўтиш лозимки, ўтган барча пайғамбарлар, шу жумладан Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо صلی اللہ علیہ وسلم ҳам ўз умматларига фақат диний таълим бериш учун юборилмаганлар, балки дунёвий ишларга, турмуш қуриш, тижорат, зироат, уй-рўзғор ишлари ва бадан тарбияга оид каби билимларни ўргатганлар.

Ватанимиз тараққиёти, халқимизнинг бахт-саодати йўлида ёшларимизни илму ирфон ва касбу ҳунарли бўлиб етишишлари йўлида давлатимиз томонидан қилинаётган ғамхўрлик билан бирга ота-оналарнинг ҳаракатлари ҳам жуда аҳамиятлидир.

Айниқса, ота-оналар ўз фарзандларига тўғри маслаҳатлар бериб, уларни соғлом ва бақувват ўсиб-улғайишлари, илмли, маърифатли бўлишлари учун ғамхўр бўлишлари керак.

Ислом ҳидоятида тарбия кўрган ва унинг соф ва пок булоқларидан баҳра олиб улғайган мусулмон кишиси ўзи яшаб турган жамиятдаги барча инсонларга наф келтиришга, улардан зарарни даф қилишга саъю-ҳаракат қилади. Чунки, у ҳақиқат, яхшилик, фазилат каби одоб-ахлоқ асосида тарбия олади.

Азизлар! Фикҳий масалаларнинг баёни борасидаги бугунги суҳбатимизда ҳанафий мазҳабимизда **ҳожатга бориш ва бавл** қилишга оид одоблар ҳақида сўз юритамиз.

Ҳожатга бориш одоблари:

- 1) ҳожатхонага киришдан олдин “Аллоҳумма инни аъзузу бика минал хубси вал хабоиси” (эй, Раббим эркак ва аёл жинларнинг ёмонлигидан Сендан паноҳ тилайман) деб паноҳ тилаш;
- 2) ҳожатхонага чап оёқ билан кириш;
- 3) ҳожатхонада ўтирганда қиблага юзланмаслик;
- 4) ҳожатхонада чап оёққа мойил бўлиб ўтириш (енгил бўшаниш учун);
- 5) ҳожатхонада хаёлланиб қолмасдан зудлик билан чиқиш;
- 6) ҳожатхонада гапирмаслик;
- 7) жинсий аъзоларга узрсиз қарамаслик;
- 8) ҳожатхонада бурун қоқмаслик ва тупирмаслик;
- 9) чап қўли билан истибро қилиш;
- 10) ҳожатхонадан ўнг оёқ билан чиқиш.
- 11) ҳожатхонадан чиққандан сўнг “Ғуфронака Раббана” (эй, Раббим мени мағфират қил) деб айтиш.

Бавл қилиш мумкин бўлмаган жойлар:

1. омма йўли (жамоат юрадиган жой)да бавл қилмаслик;
2. оқар сувга бавл қилмаслик;
3. чумоли каби ҳашорот ва бошқа ҳайвонларнинг уйи (ин)ларига бавл қилмаслик;

4. тик турган ҳолда бавл қилмаслик;
5. ахлатхона ва бошқа чиқинди ташланган жойларга бавл қилмаслик;
6. дарахт сояларига бавл қилмаслик.

Аллоҳ таоло барчаларимизни дунёга машҳур аجدодларимиз изидан бориб, яна илм чўққиларини забт этувчи, илмга ташна бандаларидан айласин, илм ўрганадиган, илмга ҳомийлик қиладиган, ҳеч бўлмаганда илмни, олимларни севадиган саодатманд инсонлар сафидан ўрин берсин, омин!